

Ўзбек матбуоти тарихида "Ал-Ислож" журнали алохида ўрин тутати. У ойда икки марта чоп этилган бўлиб, 1915—1918 йиллар оралигида етмиш етти сони босилиб чиккан. 1915 йил 14 январда Абдурахмон Сайёх ва Мунаввар кори Абдурашидхоновлар ташаббуси ва саъй-харакати билан ташкил килинган журналнинг мақсад ва вазифалари хакида куйида фикрлар берилати (2-сон):

"Ислож"и замон муслмонларга диний, дунёвий хизмат киладургон мажалладур. "Ислож" муслмонларни Китоб ва суннат тарафига чакирадургон мажалладур. "Ислож" муслмонларни номашру ишлардан куткарадургон мажалладур. "Ислож" муслмонларни масалаи фикх ва эътикоду заруриятдан хабардор киладургон мажалладур".

Журнал жамиятни турли бидъат ва хурофотлардан тозалашга катта эътибор каратди. Ўлкада миллий гоьларнинг таркалишида асосий вазифани бажарди. "Ал-Ислож" сахифаларида Ислом тарихи, динимиз асослари ёритиб борилди.

Журналда "Савол-жавоб" рукни бўлган, унда асосан имон, эътикод, шариат конун-коидаларига оид саволларга жавоблар ёзилган. "Имон надур" (1915, 4-сон), "Ислом надур" (1915, 4-сон), Фазлул-ваххоб корининг "Зарурий саволлар" (1915, 16-сон), Сидкий Хондайликийнинг "Йиртилган Куръонни нима килмок керак" (1916, 14-сон), Мулла Олимхоннинг "Мулла Хошим саволига жавоб" (1916, 8-сон), "Уламоларнинг вазифалари" (1915, 4-сон) каби маколаларида ўша давр уламоларининг ижтимоий хаётга фаол муносабатлари ифодасини топган.

Ўтмишга оид маколаларда Ислом динимиз тарихи, пайгамбарлар, сахобалар, тобеинлар хакида кимматли маълумотлар берилган. Диний-маърифий маколалар муаллифлари ижтимоий муаммолар ечими учун "маъруф хадис ва уламолар асарлари"га таянган холда фикр юритишган. Масалан, Олимхон Тўра ўзининг "Урватул вуско" номли маколасида гумон килишнинг гунох экани хакида фикр билдиради. Муаллиф: "Масалан, фасод ва бузуклиги очик билинган кишига яхши сувратда, яъни, ок чопон ва катга салла ила ўлгонлигига караб, хусни зон килуб они хийла ва фасодларига ўзини гирифтор этмак дуруст эмас"; ёки бўлмаса: «бир-бирингизнинг ботиний-важхий холларингиздан жосуслик этмангизлар ва бир-бирларингиз оркаларингиздан айбжўлик этмангизлар»,

деб ёзади.

Мухаррир Абдурахмон Сайёх асарлари ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Журналда унинг "Тарихи Ислом", "Тухфатул анам тарихи Байтул харам", "Тарихи Азолатул гайнан киссатул Зулкарнайн", "Танвирул аҳдок фи макаримул ахлок" каби мақолалари босилган. "Тухфатул анам тарихи Байтул харам" асарида Маккаи мукарраманинг ахволи, унинг табиати, Байтуллохнинг илк биноси, уни Одамнинг (алайхиссалом) таъмирлаши, Макоми Иброхимнинг ободонлаштирилиши, масжиднинг минбари хакида мулоҳазалар баён қилинади.

Бадиий адабиёт масалаларига ҳам журнал бефарқ қарамайди. Айниқса, жадид маърифатпарварлари бадиий асарлари билан фаол иштирок этишади. Журнал саҳифаларида Хамза, Саидахмад Васлий, Исохон Иброт, Камий, Сидкий Хондайликий, Тавалло, Зафархон Жавҳарий, Бахридин Азмий каби таникли ижодкорларнинг, шунингдек, Мулла Хошим Хайратий, Шамсиддин Хоиб, Мутриб ва ижодий фаолияти шу пайтгача ўрганилмай келган бошқа кўплаб муаллифларнинг асарлари чоп этилган.

Журнал фаолияти, мазмун-моҳияти, рукнлари ва муаллифлари шу пайтгача батафсил ўрганилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири яқин кечмишда совет мафкурасининг динимизга ўта бирёқдама муносабатда бўлганидир.

Кўлдош ПАРДАЕВ